

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,  
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОМОНОВ АНВАР ЖУРАКУЛОВИЧ**

**ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЭКИЛГАН ОДДИЙ ТАРИҚ (*Panicum  
miliaceum* L.) НИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ҲОСИЛДОРЛИГИГА  
ЭКИШ МУДДАТИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

**06.01.08-Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент 2022**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural  
Sciences**

**Омонов Анвар Журакулович**

Такрорий экин сифатида экилган оддий тарик (*Panicum miliaceum* L.) нинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига экиш муддати ва меъёрларининг таъсири.....3

**Омонов Анвар Журакулович**

Влияние сроков и норм высева на рост, развитие и урожайность проса обыкновенного (*Panicum miliaceum* L.) при повторной культуре возделывания .....21

**Omonov Anvar Jurakulovich**

Effects of planting date and rates on growth, development, and yield of replanted Proso millet (*Panicum miliaceum* L.).....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,  
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОМОНОВ АНВАР ЖУРАКУЛОВИЧ**

**ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЭКИЛГАН ОДДИЙ ТАРИҚ (*Panicum  
miliaceum* L.) НИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ҲОСИЛДОРЛИГИГА  
ЭКИШ МУДДАТИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

06.01.08-Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Qx623 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Халилов Насриддин**

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маҳматмуродов Алишер Ульмасович**

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент.

**Азизов Қобилжон Қахрамонович**

кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**


**Жанубий дехқончилик илмий-тадқиқот институти**


Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Тошкент Давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг "19" 11 2022 йил соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй, Тел.: (+71) 260-48-00; факс: (71) 260-38-60; E-mail: [tuag\\_info@edu.uz](mailto:tuag_info@edu.uz))


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент Давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 546736 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази бинноси. Тел.: (+71) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2022 йил «4» 11 да тарқатилди.

(2022 йил «4» 11 даги 11 рақамли реестр баённомаси)

 **У.Норқулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

 **А.А.Иминов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., катта илмий ходим

 **Ф.Б.Намозов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., катта илмий ходим



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё бўйича тарик экини 32,9 млн. гектар майдонга экилиб, ўртача ҳосилдорлиги 9,1 ц/га ни ташкил қилади. Тарик энг кўп Африкада ва Осиё қитъаларида экилади ва майдони 1 млн. 300 минг гектарни, ўртача ҳосилдорлиги 8,5 ц/га, ялпи ҳосили 1 млн. 109 минг тоннани ташкил этади<sup>1</sup>. Ўзбекистонда тарик ҳозирги кунда 42 минг 117 гектарга экилиб, ўртача ҳосилдорлиги 7,5 ц/га бўлиб, ялпи ҳосил 315 минг 877 тонна тарик дони олинмоқда. Республикамизда сўнгги йилларда кузатилаётган глобал иқлим ўзгариши шароитида бошқа донли экинлардан кўра қурғоқчил шароитга чидамли ҳамда бир йилда икки марта дон ҳосили етиштириш имкони бўлган тарик навларини етиштириш ва ундан юқори ҳосил олиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда бугунги кунда тарик дони инсоният учун қимматбаҳо ёрма, озиқ-овқат ҳамда чорва озуқаси манбаи, қисқа кун ўсимлиги эканлиги, экиш меъёрининг камлиги, бошқа дон экинларга нисбатан 2-3 хисса кам сув талаб қилиши, тупроқ ва ҳаво қурғоқчилигига ҳамда иссиқликка ўта бардошлилиги, тупроқ муҳитига унча талабчан бўлмай юқори ҳосил бера олишини эътиборга олиб дон ҳосили ва сифатини ошириш бўйича илмий изланишлар олиб боришга катта аҳамият берилмоқда. Ҳозирда тарикнинг ижобий томонлари юқори бўлишига қарамасдан бугунги кунда мамлакатимизда тарик етиштириш талаб даражасидан анча пастлигича қолмоқда. Шунинг учун ҳам тарикдан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб бориш лозимлигини талаб этмоқда.

Республикамизда такрорий экинларга бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Хусусан иккинчи гуруҳ донли экинларга мансуб бўлган тарик экинини такрорий экин сифатида етиштириш борасидаги илмий тадқиқот ишлари жуда кам. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш, аҳолини юқори сифатли дон маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда чорвачиликни тўйимли озуқа билан таъминлашга киритилган бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида<sup>2</sup> яқин келажакда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар самарасини ошириш ва ушбу жабҳани ривожлантириш юзасидан аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кластер асосида қайта ишлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, фермер ва деҳқонлар даромадини 2 баробарга кўпайтириш учун зарур шароитларни яратиш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатини 5 фоизга етказиш каби муҳим устивор вазифалар белгиланган. Шунинг учун тарик ўсимлигини етиштириш агротехнологияларидан асосий қисми бўлган

<sup>1</sup> [www.fao.org](http://www.fao.org)

<sup>2</sup> <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>

экиш муддати ва меъёрларини тўғри танлаш ҳамда уларни ўз вақтида амалга ошириш ва илмий изланишларни олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлаштиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4634-сонли «Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунга қадар бошқоқли дон экинларининг улуши асосан лалмикор ер майдонларига тўғри келган. Бу борадаги илмий изланишларнинг асосий қисми Ғаллаорол туманидаги Ғаллачилик илмий-тадқиқот институти ходимлари томонидан олиб борилган. Тарик асосий ҳамда такрорий экин сифатида экилганда унинг биологияси, етиштириш технологиясини ўрганиш бўйича хорижий ва маҳаллий олимлардан, А.М.Струк, Ю.А.Бобкова, В.И.Зотиков, В.С.Сидоренко, З.И.Глазова, А.И.Степанов, А.В.Воронкин, Н.Ирназарова ва бошқалар томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган.

Бирок, Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида экилган тарикнинг экиш муддати ва меъёрлари бўйича етарлича илмий изланишлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти 2018-2020 йилларда Самарқанд ветеринария медицинаси институти (ҳозирги СамВМЧБУ) илмий-тадқиқот режасининг №01980004512-рақамли «Зарафшон воҳасига мослашган юқори ҳосилли ва сифатли деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда илмий жиҳатдан асосланган, экологик тоза маҳсулот етиштиришни таъминловчи янги агротехнологияларни ишлаб чиқиш»; №01060006349-рақамли «Замонавий деҳқончилик тизимида тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда ресурстежамкор агротехнологияларни қўллашнинг амалий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» мавзусининг алоҳида бир бўлими сифатида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида экилган тарикни Саратовское 853 навидан юқори ва сифатли дон ҳосили олишни таъминлайдиган мақбул экиш муддатлари ва меъёрларини аниқлаш ҳамда тавсиялар беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

тариқ уруғларнинг дала унувчанлиги, ўсимликларнинг яшовчанлиги, тупланишига экиш муддатлари ва меъёрларини таъсирини таҳлил қилиш;

тариқнинг ўсиши, ривожланиши, фазалараро ва ўсув даврига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсирини ўрганиш;

тариқнинг рўваклар сони, рўвакдаги донлар сони, 1000 та дон массаси, доннинг пўстлиги, биокимёвий таркибининг экиш муддатлари ва меъёрлари боғлиқлигини ўрганиш;

тариқнинг дон ва сомон ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

тариқ экинзорининг фотосинтетик фаолияти, барг юзаси, фотосинтетик потенциали, биомасса тўпланиши, фотосинтез соф маҳсулдорлигини аниқлаш;

иктисодий самарадорлик кўрсаткичларини ўрганиш асосида энг мақбул экиш муддатлари ва меъёрларини аниқлаш, етиштириш технологияси бўйича тавсиянома ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришга тавсия бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тариқнинг Давлат реестрига киритилган Саратовское 853 нави олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** – бўлиб тариқнинг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида турли экиш муддатлари меъёрлари, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, тариқ экинзорининг фотосинтетик фаолияти, барг юзаси, биомасса тўпланиши, дон ҳосили ва унинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда ўсимликнинг биометрик ўлчовлари, ўсимлик намуналари, лаборатория таҳлиллари, фенологик кузатувлар «Дала тажрибалари ўтказиш услублари», «Методика полевого опыта» услубий қўлланмалар асосида, дала тажрибаларидан олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов услуби асосида дисперсион усулда математик таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Самарқанд вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида тариқнинг Саратовское 853 навини фаол ўсиши ва ривожланишини таъминлайдиган мақбул экиш муддатлари ҳамда меъёрлари аниқланган, коррелятив боғлиқликлар, регрессия тенгламаси (тўғри чизиқли, эгри чизиқли), корреляция коэффицентлари аниқланган;

такрорий экин сифатида тариқ уруғларининг дала шароитидаги унувчанлиги, ўсимликларнинг яшовчанлиги, тупланиши, фотосинтетик фаолияти, барг юзасини шаклланиши, фотосинтетик потенциали, биомасса тўпланиши, фотосинтез соф маҳсулдорлигини ўзгаришига экиш муддатлари ва меъёрларини таъсир кўрсатиши аниқланган;

тариқни такрорий экин сифатида Давлат реестрида мавжуд бўлган Саратовское 853 навидан юқори ва барқарор дон ҳосили олиш учун энг мақбул экиш муддати 20 июнь, экиш меъёри гектарига 2,5 млн. дона ва кечки

муддат 20 июлда гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ эканлиги исботланган; тарикнинг Саратовское 853 навини такрорий экин сифатида 20 июнь ва 5 июлда гектарига 2,5 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда дон ҳосилини юқори (31,8; 27,8 ц/га) бўлиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилояти ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида суғориладиган ерларда тарикнинг экиш муддатлари, меъёрлари уйғунлашган ҳолда ўрганилиб, тарикни дон учун етиштиришда навнинг биологик хусусиятларига мос экиш муддат ва меъёрлари ишлаб чиқилган;

мақбул экиш муддати 20 июнда экиш меъёрлари 2,5 млн., 20 июлда 3,0 млн. дона/га унувчан уруғ экилганда тарикни ривожланиши мақбуллашиб, дон чиқиш салмоғи юқори бўлиши, маҳсулдор поялар сони, рўвакдаги дон миқдори ортган;

мақбул экиш муддатлари таъсирида тарикнинг Саратовское 853 навидан муддатлар бўйича 31,8-27,8-22,5 ц/га ҳосил олиш мумкинлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотлар натижасида олинган диссертация маълумотларининг математик ва статистик таҳлиллар қилинганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқотлар натижаларининг ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги, аниқланган ҳар бир критериянинг ва ҳулосаларнинг асосланганлиги, дала тажрибалари ҳар йили мутахассис олимлар томонидан апробациядан ўтказилганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, халқаро ва маҳаллий илмий нашрларда чоп этилганлиги тадқиқотлар натижаларининг ишончли эканлигини исботлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида такрорий экин сифатида экилган тарикнинг мақбул экиш муддатлари ва меъёрларига боғлиқ ҳолда уруғларининг дала шароитида унувчанлиги, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши мақбуллашганлиги, доннинг сифати яхшиланганлиги, майдон бирлигида харажатлар камайганлиги ҳамда иқтисодий самарадорлик барқарор ошганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида таннархи арзон, юқори сифатли тарик дони етиштиришни таъминлайдиган такрорий экин сифатида тарикни мақбул экиш муддати ва меъёрлари аниқланган ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Самарқанд вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида тарикни экиш муддатлари ва меъёрларини ўрганиш бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

Тарикдан юқори ва сифатли дон етиштириш бўйича Самарқанд вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида “Тарикни экиш муддати ва



меъёрлари бўйича тавсиялар” тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 16 июлдаги № 02/27-04/4722-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома вилоят фермер хўжаликлари ва агрокластерларда тарик этиштиришда амалий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

тарикнинг такрорий экин сифатида мақбул экиш муддатлари 20 июнь ва экиш меъёрлари 2,5 млн. дона/га унувчан уруғ ҳисобида экиш технологияси Самарқанд вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида жами 70,5 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 16 июлдаги №02/27-04/4722-сон маълумотномаси). Натижада, тарикни такрорий экин сифатида мақбул экиш муддати ва меъёрларида экилиши ҳисобига гектаридан 1,6-4,7 ц қўшимча дон ҳосили олинган;

Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида тарикнинг Саратовское 853 навини такрорий экин сифатида 20 июлда экиш ва гектарига 2,5 млн. дона уруғ қўллаш технологияси 70,5 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 16 июлдаги №02/27-04/4722-сон маълумотномаси). Натижада, тарикни “Саратовское 853” навидан 30,1-28,6 ц/га дон ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси 60,9-69,3 % ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ҳар йили Самарқанд ветеринария медицинаси институти (ҳозирги СамВМЧБУ) махсус комиссияси томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган, йиллик ҳисоботлар университетнинг илмий кенгашларида муҳокама қилиниб, диссертация ишининг асосий натижалари 1 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола шундан, 3 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та тавсиянома чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Такрорий экин сифатида экилган оддий тарик (*Panicum miliaceum L.*) нинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига экиш муддати ва меъёрларининг таъсири**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётларда ўрганилаётган омиллар бўйича чоп этилган маълумотлар батафсил таҳлил қилинган. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, тарикнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, биологик хусусиятлари ва етиштириш технологияси, тарикни экиш муддатлари ва меъёрларини ҳосилдорлик ҳамда дон сифатига таъсири борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари келтирилган ва хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар ўтказиш шароитлари, объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган даланинг тупроқ хусусиятлари, ҳудуднинг тажриба ўтказилган йиллардаги иқлим шароитлари тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.

Дала тажрибалари (2018-2020 й.й.) Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида жойлашган Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнолиги унiversитети ўқув-тажриба хўжалигининг ўтлоқи бўз тупроқларининг хайдалма қатлами агрокимёвий тавсифи куйидагича: тупроқ ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-60 см) қатламларида гумус миқдори 1,20; 0,08%, умумий азот 0,11; 0,13; фосфор 0,11; 0,163 умумий калий 1,76; 1,62% гача мавжуд эканлиги, ҳаракатчан фосфор билан таъминланганлиги бўйича жуда кам, алмашинувчан калий бўйича ҳам кам таъминланган тупроқлар гуруҳига кириши аниқланган. Тажрибада такрорий экин сифатида тарик 20 июнь, 5 июль, 20 июлда гектарига 1,5, 2,0, 2,5 млн. дона унувчан уруғ ҳамда стандарт экиш меъёри 3,0 млн. дона унувчан уруғга нисбатан ўрганилган. **Дала тажрибалари** 12 та вариант 4-такрорликда ўтказилган бўлиб, тажриба пайкалчасининг умумий майдони 100,8 м<sup>2</sup>, ҳисобли майдон 50 м<sup>2</sup>, пайкалларнинг жойлашуви систематик 1 ярусда қилиб жойлаштирилган.

Тажрибада барча фенологик кузатишлар ва биометрик ўлчовлар ҳамда лаборатория тадқиқотлари ўсимликшуносликда **умумқабул қилинган** услублар орқали амалга оширилган. Шунингдек, тадқиқотларда ўрганилган тарикнинг Саратовское 853 нави тавсифи берилган.


Диссертациянинг «**Такрорий экин сифатида экилган оддий тарик (*Panicum miliaceum L.*) нинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига экиш муддати ва меъёрларининг таъсири**» деб номланган учинчи бобида тарик уруғларининг дала унувчанлиги, ўсимлик бўйи, ётиб қолишга чидамлилиги, Саратовское 853 навини ер устки биомассаси ҳамда илдиз тизимини, шаклланиш хусусиятларига таъсири, вегетация даврининг давомийлиги, ўсимликларни ҳосил йиғиштиришгача сақланиши, экиш муддат ва меъёрнинг маҳсулдор поялар сонига таъсири, ўсимликнинг фотосинтетик фаолиятига, тарик ҳосилдорлиги, ҳосил структураси ва доннинг сифат кўрсаткичларига таъсири таҳлил қилинган.

Тарикнинг Саратовское 853 нави уруғлари дала унувчанлиги экиш

муддати ва меъёрларига боғлиқ равишда 85,3% дан 89,8% га ўзгариб бориши аниқланган. Энг юқори дала унувчанлиги кўрсаткичи, экиш меъёри 2,5 млн. дона/га унувчан уруғ, экиш муддати 20 июнда экилганда қайд этилиб, уруғларнинг дала унувчанлиги абсолют миқдори экиш меъёрларига боғлиқлиги эгри чизиқли характерга эгаллиги кузатилиб, регрессия тенгламаси эртаги 20 июнь муддатда  $y = 88,45 + 1,26x - 0,3x^2$  формулага бўйсиниши ва корреляция коэффиценти  $r = 0,89$  га тенг бўлиши аниқланган.

Кейинги экиш муддатларида ҳам боғлиқлик эгри чизиқли характерга эга бўлиб, регрессия тенгламаси тегишлича  $y = 80,8 + 6,48x - 1,2x^2$  ва  $y = -81,2 + 5,08x - 0,93x^2$  тенгламага кўра бўйсуниб, боғлиқлик тиғиз эканлиги аниқланган ( $r = 0,99$ ).

Экиш муддатларига боғлиқ равишда тарик ўсимлиги Саратовское 853 навининг пая баландлиги экиш меъёрига боғлиқ равишда эртаги муддатда 20 июнда 100,1-109,3 см ўрта муддатда 5 июлда 77,3-83,1 кечки муддатда 20 июлда 65,1-71,7 см ташкил қилиши қайд этилиб (1-расм), ўсимликлар бўйининг баландлиги ва экиш меъёрлари орасидаги боғлиқлик тўғри чизиқли тескари пропорционаллик характерда эканлиги аниқланган. Пая узунлиги ва экиш муддатларини боғлиқлиги регрессия тенгламаси ва корреляция коэффицентлари экиш муддатларига боғлиқ равишда қуйидагича бўлиши аниқланган:  $y = 111,95 - 2,98x$ ;  $r = -0,99$  (20.VI),  $y = 85,05 - 1,91x$ ;  $r = -0,99$  (5.VII) ва  $y = 73,95 - 2,21x$   $r = -0,99$ .



**1-расм. Тарикнинг Саратовское 853 навини баландлигига экиш муддати ва меъёрининг таъсири.**

Рўваклаш фазасида 20 июнда экиш меъёри гектарига 1,5 млн. дона унувчан уруғ экилган вариантда 27,9 г, ушбу меъёрда экиш муддати 5 июлда экилган вариантда илдиз массаси 27,0 г ҳамда 20 июлда экилганда 25,0 г бўлиши аниқланган. Ўсимлик илдиз массаси вариантларга мос равишда 0,9 ва 2,9 г га, ер устки қисми 5,9 ва 12,1 г га юқори бўлганлиги қайд этилган (1-жадвал).

**Тариқни ер устки массаси ва илдиз тизимини ривожланишига  
экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири, (2018-2020 йй.)**

Экиш муддати	Экиш меъёрлари, млн. дона/га	100 та ўсимликнинг		
		Қуруқ илдиз массаси, г	Ер устки қисми массаси, г	Ер устки қисмига нисбатан илдиз билан таъминланганлиги, %
<b>Туплаш фазасида</b>				
20.VI	1,5	12,1	40,2	30,1
	2,0	11,1	38,1	29,2
	2,5	10,3	36,8	28,0
	3,0 (назорат)	9,6	36,0	26,8
5.VII (назорат)	1,5	11,1	37,1	30,0
	2,0	10,4	35,8	29,1
	2,5	9,4	34,6	27,1
	3,0 (назорат)	8,9	33,5	26,5
20.VII	1,5	10,1	34,5	29,2
	2,0	9,2	33,0	27,8
	2,5	8,4	31,9	26,4
	3,0 (назорат)	7,9	31,1	25,3
<b>Найчалаш фазасида</b>				
20.VI	1,5	21,7	58,1	37,4
	2,0	20,8	56,3	36,9
	2,5	20,0	55,2	36,2
	3,0 (назорат)	18,8	54,1	34,8
5.VII (назорат)	1,5	19,8	53,2	37,3
	2,0	18,4	51,7	35,6
	2,5	17,1	50,5	33,9
	3,0 (назорат)	16,4	49,7	33,0
20.VII	1,5	18,2	49,9	36,5
	2,0	17,6	48,7	36,1
	2,5	16,7	47,8	35,0
	3,0 (назорат)	16,1	46,6	34,5
<b>Рўваклаш фазаси</b>				
20.VI	1,5	27,9	67,7	41,2
	2,0	26,6	64,7	41,1
	2,5	25,7	61,8	41,5
	3,0 (назорат)	24,1	60,1	40,1
5.VII (назорат)	1,5	27,0	61,8	43,7
	2,0	25,6	59,9	42,8
	2,5	24,6	58,3	42,1
	3,0 (назорат)	24,0	56,5	42,4
20.VII	1,5	25,0	55,6	45,0
	2,0	23,3	54,2	42,9
	2,5	22,6	55,7	40,5
	3,0 (назорат)	21,6	53,8	40,1

Экиш 2,5 млн. дона/га унувчан уруғ меъёрида экилганда, рўваклаш фазасида экиш муддати 20 июнда ўсимликлар илдиз массаси 25,7 г, ер устки массаси 61,8 г ни ташкил этган бўлса, 5 июлда мос равишда 24,6 ва 58,3 г, 20 июлда эса 22,6 ва 55,7 г ни ташкил этган. Экиш меъёрининг унувчан уруғ ҳисобида 3,0 млн. дона/га ошиши билан (экиш муддатлари 20 июнь, 5, 20

июль) ўсимлик илдизи ва ер устки қисми массаси ҳамда ер устки қисмига нисбатан илдиз билан таъминланганлиги пасайиб борганлиги қайд этилиб (1-жадвал), бу кўрсаткичлар 20 июнда экилган вариантда илдиз массаси 24,1 г, ер устки массаси 60,1 г, 5 июлда шунга мос равишда 24,0 ва 56,5 г ни, кечки муддатда 20 июлда эса 21,6 ва 53,8 г бўлиши аниқланган.

Эрта (20.06) муддатда экилган уруғларнинг тўлиқ униб чиқиш даври 9 кунни ташкил этиб, тарикни экиш-униб чиқиш даврининг давомийлиги бўйича сезиларли фарқлар кузатилмаганлиги қайд этилган. Экиш муддатини кечикиши (5, 20 июль) билан эса, уруғларнинг униб чиқиш даври 8 кунни ташкил қилган. Эрта 20 июнь муддатда экилган вариантларда майсалаш-тупланиш даври 21-22 кунни, 5 июлда экилган вариантларда 16-18 кунни ташкил этган бўлса, кечки 20 июль муддатда экилган вариантларда эса эрта экиш муддатига (20 июнь) нисбатан, 7-8 кунга камайиши аниқланган.

Экиш муддатлари бўйича экиш меъёриларнинг ортиб бориши ҳамда ўсув даври ўртасидаги боғлиқлик тескари пропорционалликка ва чизиқли характерга эга эканлиги, боғлиқлик қонунияти, худди, асосий поя баландлиги каби бўлиши аниқланган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, 20 июль муддатда ўсув даври давомийлиги ва экиш меъёрлари орасидаги боғлиқлик сусайиши аниқланган ва корреляция коэффиценти  $r = 0,84$  тенг бўлиши қайд этилган.

Эрта муддатда 20 июнда, гектарига 1,5 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантда ўсув даври охирида кўчат қалинлиги 1 м<sup>2</sup> да 114,5 дона, 2,0 млн. дона/га 158,2 дона, 2,5 млн. дона/га 212 дона, 3,0 млн. дона/га эса, ўсув даврининг охиригача сақланиб қолган ўсимликлар сони 234,7 донани ташкил қилган.

Ўрта муддатда 5 июль экилганда, экиш меъёри гектарига 1,5 млн. дона/га унувчан уруғ сарфланган вариантда ўсув даври охирида кўчат қалинлиги 1 м<sup>2</sup> да 113,2 дона, 2,0 млн. дона/га экилганда 157,6 дона ни ташкил этган бўлса, 2,5 млн. дона/га 212,8 дона, 3,0 млн. дона/га экилган вариантда ўсув даврининг охиригача сақланиб қолган ўсимликлар 1 м<sup>2</sup> да 233,5 донани ташкил қилши аниқланган.

Кечки муддатда (20 июль) экилганда экиш меъёридан қатъий назар, 1 м<sup>2</sup> да ўсув даври охирида кўчат қалинлиги эрта муддатда экилган вариантларга нисбатан сезиларли равишда камайганлиги қайд этилиб, бу кўрсаткичлар гектарига 1,5 млн. дона унувчан уруғ сарфланган вариантда 1 м<sup>2</sup> да 111,5 дона, 2,0 млн. дона/га 150,6 дона, 2,5 млн. дона/га 210,5 дона, 3,0 млн. дона/га экилган вариантда эса 231,7 донани ташкил қилган.

Тарикнинг маҳсулдор поялар сонига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири сезиларли даражада бўлиб, бунда, маҳсулдор пояларнинг сонини кўп бўлиши, эрта муддатда 20 июнда экилган вариантларда кузатилганлиги қайд этилган.


Эрта муддат 20 июнда гектарига 1,5 млн. дона унувчан уруғ экилган вариантда бир тупдаги маҳсулдор поялар сони 1,50 донани, 1 м<sup>2</sup> даги маҳсулдор поялар сони эса, 171,4 донани ташкил этган бўлса, бу

кўрсаткичлар мос равишда 2,0 млн. дона/га экилган вариантда 1,50 ва 237,3 донани, 2,5 млн. дона/га 1,54 ва 346,9 донани ва 3,0 млн. дона/га экилган вариантда эса 1,43 ва 334,3 донани ташкил этганлиги кузатирилган.

Экиш муддатларининг кечикиши билан бу кўрсаткич камайиб бориши аниқланган. Маҳсулдор поялар сонининг экиш муддат ва меъёрлари орасидаги, умумий боғлиқлик эгри чизиқли ҳарактерга эга ва регрессия тенгламаси  $y = a + bx - cx^2$  га тенг бўлиши, корреляция коэффицентлари экиш муддатлари бўйича тегишлилиги  $r=0,97$   $R=0,98$  ва  $r=0,96$  га тенглиги аниқланган. Умумий қонуниятнинг бир хиллиги сақлансада, абсолют кўрсаткич 20 июль ҳамда 5 июль муддатларда юқорилиги аниқланган.

Регрессия тенгламаси ва корреляция коэффицентлари экиш муддатига кўра, тегишлилиги қуйидагича бўлган:  $y = 1,81 + 0,74x - 0,11x^2$  ва  $R=0,88$ ;  $y = 1,99 + 0,47x - 0,08x^2$  ва  $R=0,88$  ҳамда  $y = 1,83 + 0,15x$  ва  $r = 0,98$ .

Тариқнинг Саратовское 853 навининг 1000 та дон массасини юқори бўлиши, биринчи экиш муддатида 20 июнда экилган вариантларда кузатилиб, бунда гектарига 1,5 млн. дона унувчан уруғ экилган вариантда 7,1 г, 2,0-2,5 млн. дона унувчан уруғ экилган вариантларда 7,0 г ва 3,0 млн. дона унувчан уруғ экилган вариантда эса 6,9 г ни ташкил этган (2-жадвал, 2-расм). Экиш муддатларини кечикиши билан тариқнинг 1000 та дон массасини камайиши кузатирилган. Ўрта муддат 5 июлда экилган вариантларда тариқнинг 1000 та дон массаси 6,0-6,2 г ташкил этган бўлса, кечки 20 июлда экиш муддатида экилган вариантларда, эрта экиш 20 июнь муддатидаги экиш меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан 1,6-1,7 граммга кам бўлиши аниқланган (2-жадвал, 2-расм).



**2-расм. Тариқнинг Саратовское 853 навини 1000 та дон массасига экиш муддати ва меъёрининг таъсири**

Тариқни дон натурасининг таҳлили бўйича 712,2 г/л дан 728,2 г/л гача ўзгариб турган (2-жадвал). Экиш муддатини кечикиши билан тариқнинг дон натураси камайиб бориши кузатилиб, кечки 20 июлда экиш муддатида экилган вариантларда эртаги экиш муддатидаги вариантларга нисбатан 14,7;

14,6; 15,1 ва 14,1 г/л га кам бўлиши аниқланган.

Дон таркибидаги энг юқори оксил миқдори биринчи экиш муддатида 20 июнда гектарига 2,5 млн. дона унувчан уруғ экилган вариантда қайд этилиб, бунда, дон таркибидаги оксил миқдори 13,5% ни ташкил этган. Бу гектарига унувчан уруғ ҳисобида 1,5 млн. дона/га экилган вариантга нисбатан 0,4% га, 2,0 млн. дона/га 0,3% га ва 3,0 млн. дона/га нисбатан эса 0,5% га юқори бўлган. Дон натурасининг 1000 та дон массасига боғлиқлиги тўғри чизиқли характерга эга бўлиб ( $y = 709, 24 + 1,68 x$  ва  $r = 0,96$ ), 1000 та дон массасининг рўвакдаги донлар сонига боғлиқлиги чизиқли тип бўлсада ( $y = 5,73 + 0,12x$ ), боғлиқлик жуда кучсиз ( $r = 0,47$ ) бўлиши аниқланган.

2-жадвал

**Экиш муддатлари ва меъёрларининг тариқнинг 1000 та дон массаси, ва донининг дон натурасига таъсири (2018-2020 йй.)**

Экиш муддати	Экиш меъёри млн. дона унувчан уруғ/га	1000 та дон массаси, г	Дон натураси, г/л
20.VI	1,5	7,72	727,5
	2,0	7,63	727,4
	2,5	7,52	727,0
	3,0 (назорат)	7,43	726,3
5.VII (назорат)	1,5	6,56	721,7
	2,0	6,41	721,5
	2,5	6,35	721,4
	3,0 (назорат)	6,21	720,2
20.VII	1,5	5,63	712,6
	2,0	5,56	712,4
	2,5	5,48	712,3
	3,0 (назорат)	5,36	712,0

Экиш муддатлари ва меъёрларини тариқ рўвагининг узунлиги ва ундаги донлар сонига таъсири таҳлил қилинганда, рўвакнинг энг узун бўлиши 31,2 см, энг калтаси эса 23,1 см ни ташкил этган (3-жадвал).

Тариқнинг битта рўвакдаги дон массасини юқори бўлиши, эрта муддатда 20 июнда экилган вариантларда кузатилиб, бунда унувчан уруғ ҳисобида гектарига 1,5 млн. дона экилган вариантда 1,75 г, 2,0 млн. дона/га экилган вариантда мос равишда 1,73 г, 2,5 млн. дона/га 1,67 г ва 3,0 млн. дона/га экилган вариантда эса, 1,52 г ни ташкил этганлиги қайд этилган (3-жадвал).

Тариқни Саратовское 853 навини такрорий экин сифатида кузги буғдой анғизига экилганда, ўсимлик барг индекси шаклланиши, уни экиш муддати ва меъёрига боғлиқ эканлиги кузатилиб, туплаш фазасида вариантлар бўйича 0,230-0,657 м<sup>2</sup>/м<sup>2</sup> бўлиши аниқланган. Ушбу кўрсаткич бўйича энг юқори натижа (0,657 м<sup>2</sup>/м<sup>2</sup>) 20 июнда гектарига 2,5 млн. дона унувчан уруғ экилганда қайд этилган. Экишнинг кейинги муддатларида ҳам ушбу қонуният сақланиб қолсада, барг индексини умумий миқдори камайиши кузатилиб, мос равишда, 5 июлда 0,401 м<sup>2</sup>/м<sup>2</sup>, 20 июлда 0,272 м<sup>2</sup>/м<sup>2</sup> бўлиши қайд этилган.

Тариқ ўсимлигини ўсув фазалари оралиғида битта ўсимликдаги барг

сатҳининг ўзгариши бўйича энг катта ўзгариш туплашдан найчалаш фазасига ҳамда найчалашдан рўваклаш фазасига қараб интенсив ўсиб бориши кузатилган.

3-жадвал

**Тариқ ҳосили структурасининг экиш муддатлари ва меъёрларига боғлиқлиги, (2018-2020 йй.)**

Экиш муддати	Экиш меъёри млн. дона унувчан уруғ/га	Бир дона рўвакдаги дон массаси, г	Рўвакдаги донлар сони, дона	Рўвак узунлиги, см
20.VI	1,5	1,75	247,4	31,2
	2,0	1,73	235,4	30,3
	2,5	1,67	226,7	29,5
	3,0 (назорат)	1,52	218,9	28,2
5.VII (назорат)	1,5	1,69	242,1	30,6
	2,0	1,61	229,4	29,2
	2,5	1,51	219,8	28,1
	3,0 (назорат)	1,42	214,3	27,4
20.VII	1,5	1,56	240,4	26,3
	2,0	1,49	224,6	25,2
	2,5	1,42	214,7	24,7
	3,0 (назорат)	1,37	209,8	23,1

Ўсимликдаги барг сатҳининг энг юқори кўрсаткичи гуллаш фазасида кузатилиб, бунда, тажриба бўйича барг сатҳи 0,0177-0,0485 м<sup>2</sup> оралиғида ўзгариб борганлиги аниқланган. 20 июнь муддатида гектарига 1,5 млн. дона унувчан уруғ экилганда, ўсимликдаги барг сатҳи 0,0485 м<sup>2</sup> бўлиб, шу экиш меъёри кейинги экиш муддатлари 5 июль ва 20 июлга нисбатан, мос равишда 0,0056-0,0143 м<sup>2</sup> юқори бўлиши қайд этилган.

Тариқ ўсимлиги фотосинтетик потенциалига экиш муддати ва меъёрларининг таъсирини ўрганиш натижалари асосида, экиш муддатига боғлиқлиги қайд этилиб, тариқнинг туплаш фазасида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғни 20 июлда экилганда, экинларнинг фотосинтетик потенциали 0,108 минг м<sup>2</sup>/ га суткани ташкил этган бўлса, ушбу экиш меъёрида 5 июлда экилганда 0,075 минг м<sup>2</sup>/га сутка, 20 июлда эса, 0,074 минг м<sup>2</sup>/га суткани ташкил этиб, экиш муддатининг кечикиб бориши билан ўсимликларда фотосинтетик потенциал кўрсаткичларининг камайиб бориши кузатилганлиги аниқланган. Лекин, дала тажрибаларида экиш меъёрларининг камайиши, бу ўсув фазасида фотосинтетик потенциал миқдорига кескин таъсир кўрсатмаганлиги қайд этилган. Шунингдек, экиш меъёрини ортиб бориши, битта ўсимликдаги барг юзаси шакилланишига тескари пропорционал, боғлиқлик тўғри чизикли ва тифиз (R=0,99; R=0,99; R=0,98) бўлиши аниқланган.

Дала тажрибаларида фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги эртаги муддатда (20 июнь) унувчан уруғ ҳисобида 3,0 млн. дона/га экилганда туплаш, найчалаш, рўваклаш, гуллаш, фазаларида мос равишда, 3,4; 3,92; 4,63; 5,19; ва 3,64 г/м<sup>2</sup> суткани ташкил этган. Энг юқори кўрсаткичлар гуллаш



фазасига тўғри келиши аниқланиб, пишиш фазасига қараб фотосинтез соф маҳсулдорлик камайиб борганлиги қайд этилган. Тарикни Саратовское 853 мақбул экиш меъёри 2,5 млн. дона/га унувчан уруғ экилганда, фотосинтез соф маҳсулдорлиги энг юқори кўрсаткичга (6,12 г/м<sup>2</sup> сутка) бўлиши гуллаш фазасида кузатилиши аниқланган.

Экиш муддатларининг кечикиши (20 июль) фотосинтез соф маҳсулдорлигининг камайишига олиб келиб, гуллаш фазасида экиш меъёрларига боғлиқ ҳолда 5,85; 5,46; 5,30; 5,22 г/м<sup>2</sup> суткани ташкил этган. Эрта (20 июнь) ҳамда ўрта экиш муддатларида (5 июль) фотосинтез соф маҳсулдорлиги эгри чизиқли ва тегишлича,  $y=3,97+1,81x-0,37x^2$  R=0,75 ва  $y=4,23+1,31x-0,26x^2$  R= 0,75 бўлгани ҳолда, кечки муддат 20 июлда экилганда, тўғри чизиқли характерга эгаллиги аниқланган,  $y=4,95+0,21x$  боғлиқлик кучи тиғиз (R=0,95).

Дала тажрибаларида тарикни экиш муддат ва меъёрлари ўсимлик қуруқ биомасса шаклланишига турлича таъсир кўрсатиши аниқланган. Эрта муддатда (20 июнь) экилганда, туплаш фазасида қуруқ биомасса экиш меъёрларига боғлиқ равишда 0,345; 0,383; 0,472 ва 0,366 т/га ни ташкил этиб, ўсимлик қуруқ биомассасининг шаклланиши бўйича энг юқори кўрсаткичлар гектарига 2,5 млн. дона унувчан уруғ экилган вариантда қайд этилган.

4-жадвал

**Экиш муддатлари ва меъёрларини тарикни дон ҳосилдорлигига таъсири, ц/га**

Экиш муддатлари	Экиш меъёри млн. дона унувчан уруғ/га	Дон ҳосили, ц/га			Ўртача, ц/га	Қўшимча ҳосилдорлик ц/га	
		2018	2019	2020		5.VII экиш муддати нисбатан	3,0 млн. дона (назорат) экиш меъёрига нисбатан
20.VI	1,5	24,1	25,6	25,0	24,9	0,8	-4,2
	2,0	26,2	27,1	26,8	26,7	1,7	-2,4
	2,5	31,4	32,5	31,5	31,8	4,0	2,7
	3,0 (назорат)	28,4	29,5	29,4	29,1	3,6	-
5.VII назорат	1,5	23,3	25,0	24,0	24,1	-	-1,4
	2,0	24,2	25,7	25,1	25,0	-	-0,5
	2,5	27,0	29,0	27,4	27,8	-	2,3
	3,0 (назорат)	25,1	25,8	25,6	25,5	-	-
20.VII	1,5	19,4	20,9	20,3	20,2	-3,9	-4,6
	2,0	20,4	21,5	21,1	21,0	-4,0	-3,8
	2,5	22,0	23,0	22,5	22,5	-5,3	-2,3
	3,0 (назорат)	24,1	26,0	24,3	24,8	-0,7	-
	Умумий ЭКФ	2,24	2,37	2,33			
	А омил ЭКФ	1,49	1,58	1,56			
	В омил ЭКФ	1,29	1,37	1,35			
	Sx%=	3,15	3,16	3,21			

Дала тажрибаларида тариқнинг Саратовское 853 навини такрорий экин сифатида етиштиришда энг юқори дон ҳосили эрта муддатда 20 июнда, гектарига 2,5 млн. дона унувчан уруғ экилган вариантдан олиниб, бунда, дон ҳосилдорлиги гектаридан 31,8 центнерни ташкил этиб, гектарига 1,5; 2,0 ва 3,0 млн. дона/га экилган вариантларга нисбатан, мос равишда 6,9; 5,1 ва 2,8 центнерга юқори дон ҳосили етиштиришни таъминлаган (4-жадвал).

Ўртача уч йиллик ҳосилдорлик кўрсаткичлари ва экиш меъёрлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик, экиш муддатларига боғлиқ равишда ўзгариши аниқланган. Экишнинг 20.VI ва 5-VII муддатларида боғлиқлик эгри чизиқли ва тифиз бўлиши, кечки муддатда тўғри чизиқли характерга эга бўлиши аниқланган. Регрессия тенгламаси ва корреляция коэффиценти экиш муддатига кўра, тегишлилиги қуйидагича бўлган:  $y=1,81+0,74x-0,11x^2$  ва  $R=0,88$ ;  $y=1,99+0,47x-0,08x^2$  ва  $R=0,88$  ҳамда  $y=1,83+0,15x$  ва  $r=0,98$ .

Диссертациянинг “**Тажриба натижаларининг иқтисодий самарадорлиги ва ишлаб чиқариш тажриба натижалари**” деб номланган тўртинчи бобида сарфланган ҳаражатлар, олинган даромад, соф фойда, рентабеллик даражаси ҳамда ишлаб чиқариш тажрибалар натижаларига оид маълумотлар келтирилган. Тариқнинг ўрганилган Саратовское 853 нави 20 июнда экилиб, назорат вариантыда яъни экиш меъёри гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ экилганда, 1 гектардан донни сотишдан олинган даромад 7211,0 минг сўми, рентабеллик даражаси 59,0% ни ташкил қилган бўлса, экиш меъёри гектарига 2,5 млн. дона унувчан уруғ бўлганда, мос равишда, 7805,7 минг сўм ва 77,2% ташкил этган.

Экиш муддати 5 июлда экилган вариантларда энг юқори иқтисодий кўрсаткич, гектарига 2,5 млн. дона экилган вариантдан олиниб, соф фойда 2383,7 минг сўм, рентабеллик даражаси 54,1% бўлганлиги аниқланган.

Дала тажрибаларида энг паст иқтисодий кўрсаткичлар (соф фойда ва рентабеллик даражаси) экиш муддати 20 июлда ўтказилган вариантларда олиниб, ушбу экиш муддатида назорат 3,0 млн. дона/га унувчан уруғ экилган вариантыда энг юқори кўрсаткич, соф фойда 1485,5 минг сўм, рентабеллик даражаси 32,8% бўлган.

Экиш муддати 20 июнда экилганда, назорат 3,0 млн. дона/га вариантига нисбатан, 1,5 млн. дона/га экилган вариантыда соф фойда 626,0 минг, рентабеллик даражаси 9,6% га кам, 2,0 млн. дона/га экилган вариантыда эса, соф фойда 310,0 минг сўм, рентабеллик даражаси 3,7% га кам бўлган бўлса, 2,5 млн. дона/га экилган вариантыда эса, соф фойда 724,7 минг сўм, рентабеллик даражаси 18,2% га юқори бўлганлиги аниқланган. Соф фойда 20 июлда экилган вариантларга нисбатан, 5 июлда экилган вариантларда экиш меъёрларига мос равишда, 916,9; 991,2; 1214,2 ва 322,2 минг сўмга кўп бўлиб, рентабеллик даражаси 22,1; 23,2; 27,6 ва 7,1% юқори бўлганлиги қайд этилган.

## ХУЛОСАЛАР

Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида тариқнинг Саратовское 853 навини мақбул экиш

муддатлари ва меъёрларини ўрганиш бўйича олиб борилган дала тажрибалари асосида қуйидаги хулоса ва тавсиялар этилади.

1. Олиб борилган тажрибаларда уруғларнинг энг юқори дала унувчанлиги 20 июнда кузатилиб, 1 м<sup>2</sup> да униб чиққан майсалар сони экиш меъёрларига боғлиқ ҳолда, 88,6% дан 89,8% гача бўлишини таъминлаб, экиш муддатларининг кечикиши билан тарикнинг барча экиш меъёрларида уруғларнинг дала унувчанлиги сезиларли даражада камайиб бориши аниқланиб, 20 июлда экилганда дала унувчанлик 20 июнда экилган вариантларга нисбатан 1,7% дан 4,2% гача камайганлиги қайд этилган.

2. Тарикнинг экиш муддатлари кечикиб бориши ва экиш меъёрларини ошиши билан ўсимлик бўйи паст бўлиши қайд этилиб, экиш муддати 20 июнда, экиш меъёри 1,5 млн. дона/га бўлган вариантда ўсимлик бўйи энг баланд (109,3 см) бўлган бўлса, экиш муддати кечки 20 июлда, шу экиш меъёрида (37,6 см) паст бўлганлиги аниқланган. Экиш муддати 20 июнда, 1,5 млн. дона/га уруғ экилган вариантда назорат (3,0 млн. дона/га) вариантга нисбатан, ўсимлик бўйи 9,2 см, 5 июлда экилган вариантга нисбатан, мос равишда 5,8 см ва 20 июлда экилганда 6,6 см баланд бўлганлиги кузатилган.

3. Тарик эрта муддатларда экилганда ўсимликнинг ер усти ва илдиз массаси туплаш фазасида энг юқори кўрсаткичларни ташкил этиб, 20 июнда 1,5 млн. дона/га экилганда илдиз массаси 12,1 г, 5 июлда 11,1 г ҳамда 20 июлда 10,1 г, ўсимликнинг илдиз билан таъминланганлиги эса, 20 июнда 25,7 %, 5 июлда 24,6 %, 20 июлда 22,6 % бўлиб, экиш муддатининг кечикиши ҳамда экиш меъёрининг ошиши ўсимликнинг ер устки ва илдиз массасини камайишига олиб келганлиги қайд этилган. Худди шу қонуният найчалош ҳамда рўваклаш фазаларида ҳам кузатилганлиги аниқланган.

4. Экиш муддатларининг кечикиши билан ривожланиш даврларининг давомийлиги камайганлиги кузатилган. Энг қисқа ўсув даври рўваклаш-гуллаш (5-6 кун) даврларида, энг узун ўсув даври майсалаш-тупланиш (13-22 кун) фазалараро даврларида кузатилиб, тарикнинг ўсув даври экиш муддатлари ва меъёрларига боғлиқ ҳолда 61 кундан 87 кунгача ўзгариб борган. Экиш муддатларининг 20 июндан 20 июлга қадар кечикиши ўсув даврининг қисқаришига (19-23 кун), экиш меъёрларини ошиши ўсув даврини (2-7 кунга) узайтирганлиги қайд этилган.

5. Ўсимликнинг бир туп ва 1 м<sup>2</sup> даги маҳсулдор поялар сони 20 июнда 2,5 млн. дона/га уруғ экилган вариантда энг юқори бўлиб, экиш муддати кечикиши билан маҳсулдор поялар сони камайиши аниқланган. Экиш 5 июлда 2,5 млн. дона/га меъёрида экилган вариантга нисбатан, 20 июнда 2,5 млн. дона/га экилган вариантда 1 м<sup>2</sup> даги маҳсулдор поялар сони ўртача 60,2 донага кўп бўлганлиги қайд этилган.

6. Тарикни Саратовское 853 навини фотосинтетик потенциали экиш муддатлари ва меъёрларига боғлиқ ҳолда пишиш фазасида 0,714 дан 1,105 минг м<sup>2</sup>/га суткани ташкил этиб, ушбу фазада 20 июнда 1,051 дан 1,105 минг м<sup>2</sup>/га суткагача ўзгариб, экиш муддати кеч 20 июлда ўтказилиши тарикнинг фотосинтетик потенциалини камайишига олиб келса, шу муддатда экиш

меъёрларини ошириш, бу кўрсаткични кўпайишини таъминлаган.

7. Мақбул экиш муддати 20 июнда 2,5 млн. дона/га уруғ экилган вариантда назорат 3,0 млн. дона/га экилган вариантга нисбатан, тарикнинг куруқ биомасса ҳосили туплаш даврида 0,106 т/га, 2,0 млн. дона/га нисбатан 0,017 т/га кўп ҳосил бўлган. Аммо, 1,5 млн. дона/га уруғ экилган вариантда эса, назоратга нисбатан 0,021 т/га кам куруқ биомасса ҳосили олиниб, ўрганилган вариантларда энг юқори биомасса ҳосили пишиш фазасида кузатилган. Экиш муддати кечки 20 июлда назорат 3,0 млн. дона/га уруғ экилган вариантда 5,370 т/га бўлган бўлса, экиш меъёрининг камайиши билан куруқ биомасса камайиши қайд этилган.

8. Тарикнинг фазалараро даврига келиб, дастлаб ҳосил бўлган барглари сарғайиб фотосинтезда иштирок этмаганлиги сабабли, барча вариантларда гуллаш даврига нисбатан ФСМнинг камайиб бориб, энг кам ФСМ 20 июлда 1,5 млн. дона/га экилган вариантда ( $3,38 \text{ г/м}^2$ ) кузатилиб, бу кўрсаткичлар 2,0 млн. дона/га экилганда  $3,56 \text{ г/м}^2$ , 2,5 млн. дона/га  $3,83 \text{ г/м}^2$  ва 3,0 млн. дона/га вариантда эса  $4,11 \text{ г/м}^2$  сутка бўлиши аниқланган.

9. Тарик ҳосилдорлиги ва экиш меъёрлари ўртасидаги коррелятив боғлиқлик, экиш муддатларига боғлиқ равишда ўзгариши аниқланиб, экишнинг 20 июнь ( $y = 1,81 + 0,74x - 0,11x^2$  ва  $r=0,88$ ;) ва 5 июль ( $y = 1,99 + 0,47x - 0,08x^2$  ва  $r=0,88$ ) муддатларида боғлиқлик эгри чизиқли ва тигиз, кечки муддатда тўғри чизиқли ( $y = 1,83 + 0,15x$  ва  $r = 0,98$ ) бўлиши аниқланган. Экиш муддати 20 июнда 2,5 млн. дона/га уруғ экилган вариантда тарикдан 31,4-32,5 ц/га юқори ва сифатли (дон натураси-727,0 г/л, оқсил-13,5%) дон ҳосили олинган. Экиш кечки (20 июль) муддатда экилганда эса, юқори дон ҳосили (24,8 ц/га) 3,0 млн. дона/га уруғ экилган вариантда етиштирилиши қайд этилган.

10. Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида, такрорий экин сифатида тарикнинг Саратовское 853 навини 20 июнда 2,5 млн. дона/га унувчан уруғ ҳисобида экиб етиштирилганда энг юқори соф фойда (3399,7 минг сўм/га) ва рентабелликни (77,2 %) таъминлаган бўлса, экиш муддати кеч 20 июлда 3,0 млн. дона/га меъёрида экилганда соф фойданинг кўпайишига (1485,5 минг сўм/га) ва рентабеллик даражаси юқори (34,5 %) бўлишига имкон беради.

11. Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқларида такрорий экин сифатида оддий тарикнинг Саратовское 853 навидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда мақбул экиш муддати ва меъёрларини самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

тарикни такрорий экин сифатида экиш муддати 20 июнда, гектарига 2,5 млн. дона унувчан уруғ (21 кг) меъёрида ва кечки муддат 20 июлда гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ (25 кг) меъёрида экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/04.03.2022. Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И  
БИОТЕХНОЛОГИЙ**

**ОМОНОВ АНВАР ЖУРАКУЛОВИЧ**

**ВЛИЯНИЕ СРОКОВ И НОРМ ВЫСЕВА НА РОСТ, РАЗВИТИЕ И  
УРОЖАЙНОСТЬ ПРОСА ОБЫКНОВЕННОГО (*Panicum miliaceum* L.)  
ПРИ ПОВТОРНОЙ КУЛЬТУРЕ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ**

06.01.08 - Растениеводство

**АФТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент-2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.3.PhD/Qx623

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском государственном университете ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Халилов Насриддин  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Махматмурадов Алишер Ульмасович  
доктор сельскохозяйственных наук, доцент.


Азизов Кобилжон Кахрамонович  
доктор философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам


**Ведущая организация:** Научно-исследовательский институт южного  
земледелия


Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится на заседании Научного совета за номером DSc.05/04.03.2022.Qx.13/01 при Ташкентском государственном аграрном университете «19» 11 2022 года в 11<sup>00</sup> (Адрес: 100164, Ташкент, ул. Университетская, корпус 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; E-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz) Административный корпус ТашГАУ, этаж, конференц-зал).

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского аграрного университета (зарегистрирован под номером № 546736). Адрес: 100164, г. Ташкент, улица Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Телефон: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации распространен « 4 » 11 2022 года  
(реестр протокола рассылки № 11 от « 4 » 11 2022 года.)

  
У.Норкулов  
Председатель научного совета  
по присуждению учёных  
степеней, д.с.х.н., профессор

  
А.А.Иминов  
Учёный секретарь научного  
совета по присуждению  
учёных степеней, д.с.х.н.,  
старший научный сотрудник

  
Ф.Б.Намозов  
Председатель научного  
семинара при ученом совете  
по присуждению учёных  
степеней, д.с.х.н., старший  
научный сотрудник





## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Просо возделывается во всем мире на площади 32,9 млн. гектарах, а средняя урожайность составляет 9,1 ц/га. Просо больше всего высевается в Африке и на Азиатском континенте, и его площадь составляет 1 млн. 300 тыс. га со средней урожайностью 8,5 ц/га, валовым урожаем 1 млн. 109 тыс. тонн<sup>1</sup>. В настоящее время в Узбекистане просо возделывается на площади 42 тыс. 117 га при урожайности 7,5 ц/га, валовым урожаем зерна 315 тыс. 877 тонн. В условиях глобальных климатических изменений, наблюдаемых в нашей республике в последние годы, одной из важных задач является выведение сортов проса, более устойчивых к засушливым условиям, чем другие зерновые культуры, а также возделывание сортов проса, дающих возможность выращивания урожая зерна два раза в год и получение с них более высоких урожаев.

Учитывая, что на сегодняшний день в мире просо является ценной крупой, источником продовольствия для человечества и корма для скота, растением короткого дня, низкой нормы посева, требующим в 2-3 раза меньше воды, чем другие зерновые культуры, обладающим высокой толерантностью к почвенной и воздушной засухе, а также жаре, менее требовательным к почвенной среде и дающим высокие урожаи большое значение придается проведению научных исследований по повышению урожайности и качества зерна. Несмотря на высокие положительные стороны проса, выращивание проса в нашей стране сегодня остается значительно ниже уровня спроса. В связи с этим необходимо проведение исследований по совершенствованию агротехнологии выращивания высокого и качественного урожая проса.

В нашей республике растет внимание к повторным культурам. В частности, существует очень мало научно-исследовательских работ по повторной культуре проса, которая входит во вторую группу зерновых культур. В Узбекистане реализуется ряд мер, включающих комплексное развитие сельского хозяйства, широкое использование инновационных технологий, обеспечение населения высококачественной зерновой продукцией, а также скота питательными кормами. В Указе Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»<sup>2</sup> определены в качестве важных стратегических задач повышение эффективности реформ в области сельского хозяйства в ближайшей перспективе и развитие аграрного сектора с целью совершенствования данной области, переработка сельскохозяйственной продукции на кластерной основе и обеспечение продовольственной безопасности, создание необходимых условий для увеличения в 2 раза доходов фермеров и дехкан, доведение ежегодных

---

